

# Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish —  
oliy baxt!

<http://www.ishonch-doveric.uz>

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 23-mart № 38 (3075) juma

## Бунёдкорлик, янгилашиш ва меҳр-мурувват айёми

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, баҳор нафаси тобора кучайиб, она заминимиз яшил либосга бурканиб бораётган шу ёруғ ва мунаввар кунларда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини юртимизга кириб келаётган Наврўзи олам — янгилашиш ва яшарлиш байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Наврўз айёми барчамиз учун шарқона янги йил деб очаси, серҳосиллик ва кут-барака гоёсини ўзида мужассам этадиган, бизнинг миллий табиатимиз ва қадриятларимиздан ажратиб бўлмайдиган, ҳар қандай сиёсатдан холи, энг қадимий, энг сеvimли байрамимиздир.

Бундан минг йиллар аввал, кўҳна «Авесто» яратилган замонларда ҳам бизнинг аجدодларимиз бу дилбар фасл кунлари Сирдарё ва Амударё бўйларида, чексиз Туроннинг қишлоқ ва кентларида, дашту далаларда табиат билан тиллашиб, Наврўз нашидасини сурганлар, кўш ҳайдаб, далага дон сочиб, тинчлик-омонлик тилаб, янги орзу-ниятлар билан яшаганлар.

Наврўзи олам том маънода ўзининг руҳи ва гоёлари билан инсоннинг доимо она ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшashi, ҳар қайси одамнинг қалбида, унинг дини ва миллатидан қатъи назар, яшамоқ ва яратмоқ интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Бунинг аққол исботи шу кунларда юртдошларимизнинг бағрини кенг очиб, табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намойён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топтоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилди, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, танишбилешларини кутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилади, осмонимиз ҳамнаш мусаффо бўлишини истади.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва гоёлирига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқроор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетақдор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чехрасини намойён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туйғайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканлигини ҳис

этиб, барчамизнинг қалбларимиз беихтиёр гурур ва ифтихорга тўлади, десам, шу муҳташам майдонда тўпланган сиз, азизларнинг фикри-зикрингизни айтган бўламан.

Муҳтарам ватандошлар!  
Узоқ давом этган қиш қаҳратонидан сўнг офтобнинг чарогон чехрасини кўриб, беғубор кўкдам ҳавосидан нафас олар экан, ҳар бир одам худдики қайтадан тугилиб, ўзини, дунёни янгиликдан кашф этаётгандек ҳис қилиши табиийдир.

Шу маънода, бу йилги баҳор фаслини ҳаммамиз ҳар қачонгидан ҳам соғиниб, интизорлик ва кувонч билан кутиб олаётганимиз — буларнинг барчаси мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном олган 2012 йилда ҳам кўзланган марраларимизни албатта қўлга киритамиз, деган ишонч тугдиради.

Жорий йилда ҳам бошлаган эзгу ишларимизни, демократик ва эркинлаштириш илоҳотларини давом эттириш, аҳолимизнинг даромади, пенсия, нафақа ва тинчликларини кўпайтириш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янги босқичга кўтаришга эришамиз, иншоолло.

Бу йилнинг юртимизга сернам келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, буй чўзаётгани, янги мавсумга чуқур тайёргарлик кўрганамиз, насиб этса, фидойий ва заҳматқаш бободеҳонларимизнинг орзу-умидлари албатта ушалади, ҳосилимиз мўл бўлади, деб ишонч билдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз азал-азалдан ёшликни умр баҳори, деб таърифлайди, фарзандларига атаб ниҳол экиб, боғ яратади. Бугун Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билагги кучга тўлиб, кўзлари гайратдан ёниб турган, ҳеч кимдан кам бўлмадан вояга етаётган ёшларимизга қарата қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий туйғуларимни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга мададор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамнаш муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шуқуҳли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайрихоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин қўшниларимизга бағримизни кенг очиб, самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бугунги шодийнамизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан чин дилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетақдор майдонда тўпланган сиз, қадрдонларимизга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва самимий тиллашларимни билдирмоқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!  
Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!  
Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни ҳавфу хатарлардан, бало-қазолардан Яратганини ўзи асрасин!  
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Баҳор ўзининг ҳарир либосига охиста ўраб, майин экинларда аллалаб, биз интизор ва интизор кутган ардоқли байрамимиз Наврўзни олиб келди.

Бу айём нафақат оламга, балки руҳимизга ҳам янгилашиш олиб киради. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билаларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инди. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканлигини янада тереан англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва аъёнлар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан гурур ва ифтихорга тўламан. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам.

Бир дунё ораулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-хоналар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тарраққийтига муносиб ҳисса қўлиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадамингиз кутлуг бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакилла-

ри ташриф буюрган.  
Соат 12.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.

Тадбир қатнашчилари давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб олади.  
Чорлов мусиқаси янгради.  
Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариш ва янгилашиш айёми билан кутлар экан, ўзининг маъно-мазмун, кўруқ таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва аъёнларидан тўбора сайқаллангани, ривож толиб бораётганини таъкидлади.

«Янги кун бошланди. Саҳархез боболарнинг нуруний чехрасидан, дуогўй момоларнинг эзгу тиллақларидан, тонгнинг бешик кучиб қаршилаган оналар алласидан бошланган бу кун. Саррин ёллар қанотида, юртимизни ҳеч қачон тарк этайдиган лайлақлар хаёлотидан кириб келади у. Наврўз навоси янгради. Халқимизнинг энг ардоқли байрами бошланади ва қанот қоқиб бутун юртимиз узра парвоз айлалайди. Ватанимиз бўйлаб эсаётган бу муаттар насим ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир қалбга кириб боради.

Муаззам майдон узра майин куй таралади. Кўкдам соғинчи, табиатга ошўфталик, она заминга муҳаббат, севги ва садоқат, эртанги ёруғ кунларга ишонч ҳисси билан йўғрилган бу нафис оҳанг уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг

туб-тубигача етиб боради. Ана шундай сеҳрли наво оғушида майдон теграсидаги улкан мониторларда юртимизнинг ҳусн-малоҳатда тенгсиз табиати, бетақдор қадимий обидаларию замонавий меъморилик аъёнларию асосида қад ростлаган гўзал бинолар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги кўруқ таровати, фидойи ватандошларимиз, йигит ва қизларнинг шижоатли қиёфаси намойён бўлади.

Эрта тонгдан ораста шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла-ларда карнай-сурнай, ноғораю доира садолари янгради. Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар қалбидagi шоду-монлик уларнинг юз-кўзларидан акс этади. Набирасини етаклаган отахонлар, қайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак таққан қизалоқлар, ниғоҳлари осмонларда ҳаволаётган варракларга қадалган болақайлар, беллида белбоғи бор бўз йигитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқди.

Наврўз — меҳр-оқибат, одамийлик, хайр-мурувват айёми. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бундай эзгу фазилатлар барча аъёнлар ва удумларимизда, марақа ва маросимларимизда, айниқса Наврўз фалсафасида янада тереан намойён бўлади. Маҳалла-қўй, эл-юрт ҳамжихатлиқда ҳашарга отланади. Ариқ-зовурлар тозаланади. Ҳаммаёқ — кўча ва гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Илдиларга миллий маънавиятимизнинг кўҳна сарчашмаларига тугаш ҳашар кунда кенг ми-

қёсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилади. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Беморлардан хол-аҳвол сўралади. Табарруқ кексаларнинг дуоси олинади. Гина-қудратлар унутлиб, биродарлик ришталари мустаҳкамланади. Кўни-қўшилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноб ободларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши мумкин.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигини, ўтмиши бугунини, буюк келажакдан, миллий қадриятларини неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаятиганидан, фарзандларини-да ана шу руҳда тарбиялаб вояга етказаятиганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетимсол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаятган ўзгаришу янгилашишлардан, шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган бир-биридан гўзал биноларимиздан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришяётган ютуқларимиздан, юртимизни турли балою офатлардан, халқимизни гаму кулфатдан эсон-омон сақлаб келаятган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъиятидан тугилади.

(Давоми 2-бетда)

Бунёдкорлик, янгиликлар ва меҳр-мурувват айёми



(Давоми. Боши 1-бетда) ...Мовий кўкда шўх қанот қоқайтган қушлар чугури саринг экинларда оҳиста тебраниб...

лар амалга оширилди. Мамлакатимизда аҳолига бепул, юқори малакали шовилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги тизим — Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят ва туман филиаллари ташкил этилди.

Бундай эзгу сай-харакатлар самарасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қизлар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Қизларнинг спортга кенг жалб этиши, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим йўналишидир.

Юракларни сел-симоб қилиб муғтоз наволар янграйди. «Новдаларни безаб гунчалар, тонгда айди ҳаёт отини...» Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ҳар бир йилга аниқ ном берилиб, шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши анъанага айланди.

Амалга оширилаётган бундай ишлар натижасида кейинги ўн йилда ижтимоий ҳавфи катта бўлган касалликларга чалиниш, жумладан, тумна нуқсонлар билан туғилиш ҳолатлари 32,4 фоиз камайди.

Бундан ташқари, «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида ҳам қизларнинг спортга жалб этиши масаласига алоҳида эътибор қaratилган.

Дастурга мувофиқ 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида минглаб спортчи қизларга Президент совғалари — спорт кийимлари топширилди.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк йиллариданоқ миллий маънавиятимизнинг мустақкам кўргони ҳисобланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоя қилишга, фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ютуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Тошкентда 2011 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумида иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен хонимнинг «Президент Ислам Каримов томонидан эълон қилинган «Соғлом она — соғлом бола» тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши бугунги ва келажакда баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги энг тўғри йўл бўлиб, ҳар бир одамнинг ва бутун аҳолининг саломатлигини таъминлашнинг калитидир.

«Майдонга ўзбекининг бахтли болалари, гулгунча лолалари, она юртининг баҳори — тошқин шалолалари кириб келди. Юзларига самимият ва беғуборлик бағлиган ўғил-қизларнинг шодон кулгуси, жарангдор куй-қўшиқлари барчани болаликнинг сирли оламига етаклайди. Уларнинг шўх-шодон кулгуларидан дилимиз яйраб экан, табиат уйғонишининг ёшлик фасли билан нақадар зўғини ва чамбарчас боғлиқлигини янада тереңроқ ҳис этамиз. Халқимиз беҳис қилиши умр баҳорига менгзамайди.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш ораси мўжассам.

Оилалар мустақкамлигининг асосий омилларидан бўлиши она ва бола саломатлигини мустақкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оммавий спортни, хуоссан болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

«Буюк оиладир аслида Ватан, буюк оиламиз мустақкам бўлиши» Шойриннинг бу сатрлари замирида истиқлол туфайли ўз тараққиёт йўлини ўзи танлаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг ёруғ келажакда — эзгу ниятларимиз ижобатига қатъий ишонч мўжассам. Буюк оиламиз — Ватанимиз мустақкамлиги, қудрати фарзандларимиз саломатлиги, жисмоний ва маънавий камолоти билан чам-

Баркамол авлод ораси — энг олий оруз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир иш, жорий этилаётган кенг қўлмалли ислохотлар замирида мана шу олижаноб оруз мўжассам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий камолоти, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларимизга эришишнинг бош омилдир.

Баркамол авлод камолотида таълим алоҳида ўрин тутати. Пойтахтимизда шу йил бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган Осий тараққиёт банки президенти Харухико Курода таълим соҳасида амалга оширилган ишларимизга юксак баҳо берар экан, жумладан шундай деди: «Ишончим комилки, таълим соҳасига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар, Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратди. Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим мўжассамалари барпо этиш билангина чекланиб қолмайди, авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировад натижада билимлар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг, Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади».

Бу борада амалга оширилган барча чора-тадбирлар, сайёҳлик, фаровонлик, маданият ва спорт соҳасидаги ютуқлари, ҳар қандай муаммоларни ҳал қилишдаги қўллаб-қувватлашга йўналтирилган яхши амаллар, соғлом оила — соғлом жамият демокдир. Шу боис мамлакатимизда турмуш кўраётган ёшларни ниҳондан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини жорий этилди.

«Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида улкан иш-

«Фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ ўйинларида кўп минг йиллик тарихга

эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Бу қўтлуғ айёмнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада ёрқин намоён бўлади...

Биз юксак технологиялар, глобал ахборот асрида яшаётган кунни бир янгилик, бир янгиликни гувоҳи бўламиз. Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Катта иншоотлар, равон йўللар ва кўприклар, гўзал хиёбонлар, замонавий таълим муассасалари, боғ ва боғчалар, янги қишлоқлар бунёд этилмоқда.

Аждодларимиз янги меҳнат йилини айна Наврўздан бошлаганлар. Деҳқонларимиз айну шу паллада эл-юрт дастурхонини тўкин бўлсин, деган яхши ниятда ерга барака уруғини сочганлар.

Муносиб рағбат

Пастдарғом туманининг Жума шаҳрида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Туман ҳокими, сенатор А.Жўраев йиғилганларни айём билан қизгин табриқлади.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ф.Зунунов сўзга чиқиб, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, аҳолига бу борада қулай шарт-шароит яратишга қаратилган тадбирлар ҳақида тўхтади.

Шундан сўнг «Энг намунали маҳалла» деб топилган Дурмонтепа ҚФЙ «Қорвултепа» маҳалласи раиси Рустам Ҳотамов, «Энг намунали хонадон» номинацияси гояби — Жума шаҳри Ойбек кўчасида яшовчи Мирза Бобононов хонадони, «Энг намунали маиший хизмат маркази» — «Гулшод» суратхонаси раҳбари Улуғбек Ҳакимов Марказий кенгаш томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, «Мустақкам оила йили» Давлат дастурига биноан тумандаги 10 та эҳтиёжманд оиланинг ҳар бирига 100 минг сўмлик парранда тарқатилди. 3 та оилга эса соғлиқни тиклаш учун имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Бундан ташқари, тармоқ касба уюшмаси вилоят кенгаши 30 нафар касба уюшма фаолини тақдирлади.

Таниқли санъаткорлар томонидан намойиш этилган байрам дастури тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

З.МАМАТҚУЛОВА, Тармоқ касба уюшмаси Самарқанд вилоти кенгаши раиси

Воҳид ЛУҚМОН, Ўза шарҳловчиси. С. ҲУМОНОВ, А. АБДУЛЛАЕВ, (Ўза) олган суратлар

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Наврўзи олам — аҳиллик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликка ундовчи айём. Шу боис ҳам юртимизда яшовчи барча миллату элат вакиллари ушбу байрамни кенг тантана қилишади. Республика Байналмилал маданият маркази ва миллий-маданий марказлар томонидан бугун пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларга катта тайёргарлик кўрилди. Тасвирий санъат ва турли халқлар таомлари кўргазмалари, миллий-маданий марказлар қошидаги бадий жамоаларнинг концертлари кишиларга баҳорий кайфият улаштириш шубҳасиз. Ушбу тадбирларда Тошкент шаҳридаги 40 га яқин миллий-маданий марказлар фаол иштирок этаётир.

Райхон Қосимова, уйғур миллий-маданий маркази қошидаги «Гулдаста» рақс дастаси бадий раҳбари: — Юртимизда турли миллатга мансуб кишиларнинг ўз маданий меросини ривожлантириш, миллий кадриятлари асосида турмуш кечиршига кенг имконият яратилган. Дастамизда қизларга кўплаб уйғурча рақсларни ўргатиб келаямиз. Байрам дастурига улар ижросида янги рақс тайёрлади. Бундан кейин ҳам санъатимиз билан халқлар ўртасидаги дўстликни мустақкамлашга ҳисса қўшамиз.

Азербайжан маданий марказида байрам кечаси бўлиб ўтди. Бундай тантаналар март ойининг охиригача давом этади. Хусусан, рус миллий-маданий маркази томонидан «Ассалом, Наврўз!» номли адабий-музыка кеча, Наврўз байрамига хос миллий анъаналарга бағишланган тадбир, қозоқ миллий-маданий марказида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида илмий-адабий конференция ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида миллий-маданий марказлар баҳор байрамини кўтаринки руҳда нишонламоқда, — дейди Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев. — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» мавзусида давра суҳбатлари, семинар, конференция, кўргазма ва концертлар ташкил этилди. Шунингдек, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, «Тасвирий ойна» уюшмаси билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилди.

Эзгулик тантанаси бўлиши Наврўз дийрими аҳлини янада аҳил ва тотувликда турмуш кечиршига, мамлакат тараққиёти йўлида қўли-қўлга бериб ҳаракат қилишга чорламоқда.

Ўз мухбиримиз



Ягона оилада

Райхон Қосимова, уйғур миллий-маданий маркази қошидаги «Гулдаста» рақс дастаси бадий раҳбари: — Юртимизда турли миллатга мансуб кишиларнинг ўз маданий меросини ривожлантириш, миллий кадриятлари асосида турмуш кечиршига кенг имконият яратилган. Дастамизда қизларга кўплаб уйғурча рақсларни ўргатиб келаямиз. Байрам дастурига улар ижросида янги рақс тайёрлади. Бундан кейин ҳам санъатимиз билан халқлар ўртасидаги дўстликни мустақкамлашга ҳисса қўшамиз.

Гуллира Мухамедова, тожик миллий-маданий маркази вакили: — Ўзбекистон бу ерда яшовчи барча миллат ва элат вакиллари учун ягона оила ҳисобланади. Мамлакатимизда миллат-

лар ўртасида ўзаро тотувлик, дўстона муносабатлар мустақкам. Бу аҳиллик, айниқса, яшариш ва янгиликни байрами — Наврўзда яна бир бор юз

налар март ойининг охиригача давом этади. Хусусан, рус миллий-маданий маркази томонидан «Ассалом, Наврўз!» номли адабий-музыка кеча, Наврўз байрамига хос миллий анъаналарга бағишланган тадбир, қозоқ миллий-маданий марказида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида илмий-адабий конференция ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида миллий-маданий марказлар баҳор байрамини кўтаринки руҳда нишонламоқда, — дейди Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев. — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» мавзусида давра суҳбатлари, семинар, конференция, кўргазма ва концертлар ташкил этилди. Шунингдек, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, «Тасвирий ойна» уюшмаси билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилди.



Азиз муштарийлар!

Аввал маълум қилганимиздек, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси веб сайти «www.sfr.uz» сиз учун фаолият юритмоқда. Сиз сайтда Ўзбекистон касба уюшмалари ва унга аъзо ташкилотлар фаолияти, касба уюшмасига аъзо бўлишнинг афзалликлари ва кафолатлари, меҳнат фаолиятини ташкил этиш бўйича турли норматив ҳужжатлар билан танишишингиз мумкин. Шунингдек, сайтда меҳнат ҳуқуқи ва муҳофаза-си бўлими мавжуд бўлиб, сиз у ерда касба уюшмалари Федерациясининг юқори малакали юристларига мурожаат қилишингиз ва ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

### ■ Анжуман

**«ЎЗКУФК фаолиятининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилдаги устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарордан келиб чиқадиган вазифалар Сирдарё вилоят КУТБКнинг навбатдан ташқари ййғилишида атрофлича муҳокама қилинди.**

Таъкидландики, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик ходимларни ҳар жиҳатдан ҳимоялашнинг муҳим омилга айланди. Турли хил мулкчилик шаклидаги юридик шахсларнинг 94,8 фоизда жамоа шартномаси

Вилоятда 35333 та янги иш ўрни яратилди. 22 та корхонада иш ўринлари ҳақиқатда яратилганлиги ўрганилди ва уларнинг мониторингини олиб борилмоқда.

Утган йили 48 та касб-ҳунар коллежини 12360 нафар ўқувчи

дириб берилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган 908 нафар вакилнинг 591 нафари ўқитилди.

Касаба уюшмалари томонидан иш берувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бирлашмага келган 17 та ёзма, 70 та оғзаки мурожаатларнинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Ижтимоий суғурта бюджети даромади ўсиши касба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар

самарадорлигини ошириш юзасидан Гулдунинг 20 нафар профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳ фаолият олиб бормоқда. Зарур услубий қўлланмалар, кўргазмали воситалар тайёрланиб, кўп нусхада чоп этилди. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик каби зарарли иллатларнинг олдини олиш бўйича 87 та тадбир ўтказилди.

Музокарада сўзга чиққанлар тақлиф ва мулоҳазаларини ўрта-

### Жамоа шартномалари: у қандай бажарилмоқда?

# Қарс икки қўлдан

**Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Хоразм Шакар» қўшма корхонасида меҳнат жамоаси вакиллари ййғилиши бўлиб ўтди.**

— Анжуман намунавий тарзда эканлигидан келиб чиқиб, унга вакил бўлмаган айрим цех, участка ва бўлимларнинг бошлиқлари, тармоқ касба уюшмалари туман ва бошланғич касба уюшма ташкилотлари раислари ҳам тақлиф қилинди, — дейди вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Озод Отажонов. — Бундан мақсад мазкур очиқ акциядорлик жамиятида иш берувчи ва касба уюшмаси ўртасида йўлга қўйилган ижтимоий шерикликни кенг тарғиб қилиш эди.

Тақлиф қилинганлар корхона цехларида бўлиб, ишчи-хизматчилар учун яратилган иш ва дам олиш шароитлари билан танишган, жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан Бош директор ўринбосари, корхона филиали директори Рустам Акбархўжаев ҳамда корхона бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Мадийер Бобожоновнинг маърузалари тингладди.

— 2006 йилнинг июн-декабр ойларида маҳсулот ишлаб чиқариш 83 минг 226 тонна бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 701 миллион 214 миллион сўмни ташкил этиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 4 бараварга етди, — деди жумладан Р. Акбархўжаев. — Ушбу муваффақиятни таъминлашда, иш берувчи ва касба уюшмаси ҳамкорлигининг самараси катта. Жумладан, иш ҳақларининг оширилиши, йил ва ой якунларида кўра мукофот пулларининг тўланиши ҳамда ходимларнинг ўртача ойлик маошларининг ўсишини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Натижанда утган йил давомидаги ўртача ойлик маоши қарийб 670 минг сўмни ташкил этди. Жамоа шартномаси асосида иш ҳақида қўшимча компенсация ва тўловлар ҳам мунтазам тўланипти. Зарарли ва оғир шароитларда ишлагани учун 1050 нафар ходимга 602 миллион 90 минг сўм, шунингдек, байрам, дам олиш кунлари ҳамда ишдан ташқари вақтларда ишлагани учун 597 ҳодимга 826 миллион 911 минг сўм тўланди.

Ишлаб чиқариш суръатлари ўсиши, молиявий имкониятларнинг вужудга келиши натижасида ходимларга ҳар бир ишлагани учун (сменаси) учун республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда оқватланиши учун компенсация тўловлари берилиши йўлга қўйилди.

Йил давомида таътилга чиққан 1191 нафар ходим 15 кунлик асосий таътилларида зиёда таътиллари учун 105 миллион сўмлик қўшимча ҳақ олди. Ходимларга белул транспорт хизмати кўрсатиш учун 376 миллион сўм сарфланди.

— 2011 йилда спорт мусобақалари ўтказишга ҳам эътибор кучайтирилди, — дейди филиал директори. — Футбол бўйича корхона еттинчи чемпионати юксак савияда ташкил этилди. Бу мусобақаларда 200 га яқин ходим фаол қатнашди. Ҳодимларга маъмурият ҳисобидан 2 миллион сўмлик совринлар топширилди. Хотин-қизлар ўртасида омма-

вий спорт мусобақалари кенг йўлга қўйилди. Шашка бўйича илк бор аёллар ўртасида корхона биринчилиги мусобақалари ташкил этилди.

Утган йилдан бошлаб, яна бир ташаббус кенг қулоқ ёйди. Ишлаб чиқариш санитариyasi, озодлик, ободонлаштириш ишлари, техника хавфсизлигини намунавий йўлга қўйиш мақсадида бўлим ва цехлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо совринлар берилди.

2011 йилда касба уюшма ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 21 нафар ходим санаторийларда соғлигини тиклади. Бундан ташқари, 10 нафар ходимнинг санаторийларда дам олиши учун корхона томонидан 4 миллион 300 минг сўм сарфланди.

Корхона раҳбарияти нафақага чиққан ходимларга ҳам катта ғамхўрлик қилмоқда. Улар ҳар йили Наврўз байрами, Мустақиллик кунини, Янги йил арафасида моддий ёрдам олишяпти.

— Қарс икки қўлдан, деганларидек, шартноманинг тўлиқ бажарилишида уни имзолаган томонларнинг баҳамжihat, ўзаро келишув асосида иш олиб боришга кўп нарса боғлиқ, — дея таъкидлади касба уюшма кўмитаси раиси. — Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, касба уюшма кўмитаси ҳам шартноманинг амал қилиш мuddатида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариш чораларини кўрди. Ходимларнинг мустақил давлатимиз ва корхона тарихига оид билиминини янада бойитиш, уларнинг касб маҳоратини ошириш мақсадида «Балли, қизлар!» ҳамда «Балли, ййгитлар!» кўрик-танловлари ўтказилди.

Корхонада 6 нафар байналмилал жангчи меҳнат қилади. Улар ҳар йили тарихий шаҳарларга саёҳатга юборилади. Утган йил улар Бухоро ва Қарши шаҳарларига боришди, «Қашқадарё соҳили» сихатгоҳида дам олиб қайтишди.

Корхона маъмурияти ва касба уюшма кўмитасининг 2012 йилга мўлжалланган ҳаракат дастурида кўрик-танловлар, корхона биринчилиги мусобақалари ўтказиши давом эттириш, Мустаҳкам оила ййлга бағишлаб «Отам, онам ва мен» спартакиадасини ташкил этиш, аёлларни спортга янада жалб қилиш учун волейбол бўйича аёллар корхона биринчилиги мусобақалари ўтказиш режалаштирилган.

Тадбирда 2012 йилги жамоа шартномасига киритилиши лозим бўлган ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ййғилишда ЎЗКУФК ташкилий ишлар бўлими мониторинг гуруҳи раҳбари Абдумажид Матякубов, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Озод Отажонов, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Бахтиёр Ибрагимов иштирок этди.

**Муҳаббат Тўрабоева, «Ishonch» мухбири**

# Устувор вазифалар

қабул қилиниб, унга кўра белгиланган мажбуриятлар 98 фоизга бажарилди.

Жамоа шартномалари орқали 3778 та корхонада ишловчи ходимлар кўни узайтирилган таътиллاردан фойдаланмоқда. 11212 нафар ходим меҳнат қилаётган 192 та корхона ягона тариф сеткасида белгиланган нол разрядли ставкаси кўтарилган, 4 та корхонада 280 та иш жойи аттестациядан ўтказилган. 4140 та жамоа шартномасига ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишдан олдин касба уюшма кўмитасининг розилигини олиш талаби киритилган.

битирди, 11972 нафар 2-босқич ўқувчилари корхоналарда амалиёт ўтади. 280 нафар битирувчиларга касба уюшмалари маблағидан 4736 минг сўм сарфланди.

КУТБда кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатувчи ҳуқуқий маслаҳатхона ташкил этилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича 52 та касба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам берилди ва тадбирларга корхоналар томонидан 793888 минг сўм маблағ сарфланди. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ва боқувчисини йўқотган оилаларга 12298 минг сўм товон ва нафақа пуллари ун-

га уларнинг фарзандларини соғломлаштириш имконини оширмоқда. 360 та йўлланма орқали меҳнаткашлар соғломлаштирилди. Бу 2010 йилга нисбатан 25 фоизга кўп демакдир. Ёзги мавсумда 27 та болалар оромгоҳида 3802 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Бунга касба уюшма маблағидан 48707 минг сўм сарфланди. Шахардан ташқари оромгоҳларда 1576 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари кундузги оромгоҳларда 1550 нафар бола бепул дам олдирилди.

Маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш,

ташладилар. Таъкидланганидек, бугун касба уюшмаларининг мавқеи ортиб бораётган экан, бунда қўйи касба уюшма органларининг иш услуби қайта кўриб чиқилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Фермер хўжалиқларида меҳнат муносабатларини мустаҳкамлаш, касб-ҳунар коллежларида давоматини янада яхшилаш, ходимларни вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиш учун зарур маблағ ажратилиши муҳимлиги таъкидланди.

Анжуманда кўрилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири**

### ■ Ғамхўрлик

**Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйининг 80 нафар тарбияланувчисини меҳр оғушидаги болалар, десак янглишмаймиз. Бу ерда яшовчи болакайлар туғишгандек бир-бирига меҳрибон, аҳил ва иноқ ҳаёт кечиршимоқда.**

# Меҳр оғушида

— Кўнгли кемтик болаларнинг бошини силаб, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш катта савобдир, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Сурайё Ҳозиева. — Тарбияланувчиларнинг ахсарияти чин ва чала етим, ота-она ҳуқуқидан маҳрум қилинган оила фарзандларидир. Меҳрга ташна болаларга мурувват ва саховат кўрсатишни барча тарбиячи ва мураббийларимиз умрининг мазмуни деб билишадим. «Шухрат» медали соҳибби Бибилол Каримова, Гулчехра Усмонова, Ойгул Намиддинова, Инобат Солиева, Дилрабо Бойқулова, Гулчехра Шодиева, Маҳфуза Сохибова-ни болалар ўз оналаридек яхши кўришади.

Тарбиячи ва мураббийлар меҳридан куч олиб улғаяётган болалар қўлга киритган ютуқлар анчагина. Тарбияланувчиларга яратилган шароит, таълим-тарбия соҳасида эришилган юқори кўрсаткичлар туфайли муассаса 2005 йил республикада «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» деб эътироф этилиб, I даражали диплом билан тақдирланди. Меҳрибонлик уйининг ушбу ютуғи учун замонавий компьютер синфи

ташкил этиб берилди. 2006 йилда эса муассаса «Энг яхши иш тажрибасига эга Меҳрибонлик уйи» номинациясини қўлга киритди. 2008 йили «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида Меҳрибонлик уйи қошидаги «Оила» фольклор ансамбли ғолиб деб топилди. 2008-2011 йилларда тарбияланувчилар «Камалак жилоси» кўрик-танловида қатнашиб, фахрли ўринлари қўлга киритишди. Вероника Володина «Менинг ҳуқуқларим» мавзусидаги иншоолар кўрик-танловида I ўринни қўлга киритди. 2010 йилда Зулфия номдаги Давлат мукофоти совриндори бўлди.

Яхшиларнинг шарофати билан Термиз шаҳрида бунёд этилган кўркам ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган, ҳамма қулайликка эга Меҳрибонлик уйида таълим-тарбия олиш учун барча шароит яратилган.

Айниқса, тарбияланувчиларнинг дарсдан кейин қўшимча билим олиши, тарбиявий тадбирларини ўтказиши, турли кеча ва суҳбатлар уюштириши

учун тўртта марказ ва ўндан зиёд тўрақ, спорт секцияси ва клублар ишлаб турибди. Қизалоқлар уй-рўзгор юмушлари, тиқиш-бичишни ўрганса, ўғил болалар дурадгорлик, боғдорчилик ишлари билан шуғулланишади.

Тарбияланувчиларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, иқтидор ва салоҳиятини қўллаб-қувватлашда Маънавий-маърифий марказнинг хизмати катта. Бу ерда «Миллий рақс», «Фолклор», «Графика, ранг-тасвир», «Керамика», «Кўғирчоқ театри» тўрақлари фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчи иқтидор марказида болалар информатика, математика, физика, химия, тарих, она тили ва адабиёт, инглиз тили, рус тили фанлари бўйича ТерДу ва академик лицей ўқитувчиларидан сабоқ олишади. Касб-ҳунарга йўналтириш маркази фаолият ҳам таҳсинга лойиқ. Соғломлаштириш марказида эса болалар волейбол, футбол, дзюдо, сузиш, теннис, бадиий гимнастика, шахматшашка билан шуғулланишаётган.

**Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири**

### ■ Тадбир

**Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши Оҳангарон туманидаги «Саховат уйи»да Наврўз байрамига бағишланган хайрия тадбири ўтказди.**

Тадбирда тармоқ касба уюшмаси вилоят кенгаши, Оҳангарон туман ҳокимияти, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси ва Олмалик кон-металлургия комбинати вакиллари иштирок этиб, ўзларининг қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширдилар.

— «Саховат уйи» ташкил этилганига 40 йил тўлди, — деди директор Алишер

# Мурувватдан диллар яйради

Иноқов. — Бу ерда 182 нафар турли миллат вакилларида иборат ногирон, ёлғиз қариялар яшайди. Улар юзга яқин ишчи-ходимнинг доимий меҳр-оқибатидан баҳраманд. Яшовчиларга кунига 4 маҳал иссиқ овқат берилади. Ҳар йили баҳор ва куз ойларида чуқурлаштирилган диспансер тиббий кўриқдан ўтказилади. Шунингдек, тутилган кунларни ҳам алоҳида шодиена билан нишонлаш аёнана тусини олган. Йил бошидан яшовчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида ошхона, тиббиёт бўлими, ҳаммом ва яшаш хоналари жорий таъмирланди.

Олмалик кон-металлургия комбинатининг «Гулгунча» рақс дастаси, «Нихол» гуруҳи қизларининг чиқишлари ҳамда ёш истеъдодли санъаткорларнинг дилтортар куй-қўшиқлари даврага ўзгача кўтаринкилик бағишлади.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**

**Қашқадарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш доимий комиссияси**

**Юртимиз аҳлини, меҳрибон онахонлару мунис она-синиларимизни гўзаллик ва нафосат, яшариш ва уйғониш байрами — Наврўзи олам билан табриклайди. Лапофат, саодат, гўзаллик доимий ҳамроҳингиз бўлсин! Азиз диёримиз янада раванқ топсин!**

# «СМ-Ўзбекистон» қўшма корхонаси маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси



*Барча юртдошларимизни, соҳа  
ходимларини кўклам элчиси, янгилашни  
ва яшариш байрами – Наврўзи олам  
билан муबारакбод этади!  
Вонадонингизга кут-баракат, ўзингизга  
мустаҳкам соғлиқ тилайди!  
Юртимиз тинч, осмонимиз  
мусаффо бўлсин!  
Шодлик, бахт ва кувонч сизни  
асло тарк этмасин!*

## Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

*Ўзбекистон халқини қадимий ва ўлмас  
анъаналаримиз ифодаси бўлган улуг  
байрам – Наврўзи олам  
билан табриклайди.*

*Фидойи ва заҳматкам инсонларимиз  
қалбидан кўклам кувончи,  
ва байрамона кайфият аримасин!  
Мустақил диёримизга кўз тегмасин!*

## «Когонёғ» очик акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб,  
мамлакат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб  
келаётган соҳа ходимлари ва барча юртдошларимизни  
уйғониш, яшариш байрами –  
Наврўзи олам билан самимий қутлайди.  
Мустаҳкам оила йилида мамлакатимизга тинчлик ва  
фаровонлик, халқимизга бахт-саодат, хуш кайфият,  
улкан бунёдкорлик ишларида ҳамisha  
омад ёр бўлишини тилайди.*



**Наврўз айёми  
муबारак, азизлар!**

# Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

**Бунёдкор ва ижодкор халқимизни,  
айниқса, ҳаётини баркамол авлод  
тарбиясига бағишлаётган меҳридарё устоз  
ва мураббийларни, заҳматкаш муаллимлар  
ҳамда соҳа тизимида фидокорона меҳнат  
қилаётган ходимларни қадриятларимизни  
улуғловчи, дилларни нурафшон этувчи  
қутлуғ айём — Наврӯзи олам  
билан муборакбод этади.**

**Ҳаётингиз баҳор гулларидек гўзал ва  
мунаввар, толе қуёшингиз порлоқ,  
умрингиз маърифат нуридек ёруғ ва  
безавол бўлсин!**

**Ўзаро ҳамкорлик, эзгулик ва шогирдлар  
камоли ҳаётингиз безагига айлансин.**

**Мустаҳкам оила йилидаги**

**Наврӯз байрамингиз муборак, азизлар!**

# Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

**Наврӯзи олам билан барча  
ҳамюртларимизни,  
эл саломатлиги йўлида  
тинчлик билмай меҳнат  
қилаётган соғлиқни сақлаш  
ходимларини, самимий  
қутлайди.**

**Инсон манфаатлари юксак  
қадрланган мустақил диёримиз  
янада гуллаб-яшнасин.  
Оилаларимизни бахт-саодат  
ва мустаҳкамлик  
тарқатмасин!**

# Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё-саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

**Барча юртдошларимизни  
баҳор байрами —  
Наврӯз билан  
самимий қутлайди.  
Ширнутилиз фаровон,  
осмонилиз нузарфо,  
итларимиз  
барорли бўлсин!**

### «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали куйидагиларни маълум қилади!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 5 мартдаги 36 к-ПО-сонли буйруғига асосан, «Ishonch» газетасининг 2012 йил 8 мартдаги 30-31 (3068)-сонда чоп этилган эълон билан «KMSX» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг танлов савдоларида чиқарилган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қибрай (Мусо Жалил) кўчаси 12-уй манзилида жойлашган икки қаватли ертўлали бинони 12 апрелдаги савдосига таклифлар тушмаган тақдирда такрорий савдолари 2012 йилнинг 30 апрел, 16 май ва 4 июн кунлари соат 11:00 га белгиланган танлов савдоларининг такрорий савдоларини ўзгартириб, 2012 йилнинг 19, 26 апрел ва 3 май кунлари соат 11:00 га қўчирилганлигини маълум қиламиз.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 19 мартдаги 06/249-сонли хати.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уй. Веб сайт www.1kms.uz. Электрон почта манзили: rieltasvdo@inbox.uz

Тел: (+99871) 233-23-49. Лицензия: RR-0001.

### «Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ҳамда «Сергели Политехника касб-хунар коллежининг 2012 йил 30 январдаги №62-сонли хатига мувофиқ Тошкент шаҳар Сергели тумани Қанора кўчаси 44-уй манзилида сақланаётган, «УАЗ 3151201» русумли, д/р 10 ВД 294 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 404 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Қибрай тумани «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати»нинг 2011 йил 9 декабрдаги №1261-сонли хатига мувофиқ Тошкент вилояти Қибрай тумани Синцова кўчаси мақилда сақланаётган, «ФИАТУНОГОДС» русумли, д/р 11 АН 572 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 362 567 сўм.

III. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Бекобод техника иқтисодиёт касб-хунар коллежининг 2012 йил 2 феврал №01-1/1-08-сонли хатига мувофиқ Тошкент вилояти Бекобод шаҳри, Фалаба кўчаси, 2-уй манзилида сақланаётган, «ИЖ-2715» русумли, д/р 10 814 ЕАА бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 210 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 23 апрел кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 20 апрел кuni соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 23 апрелдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 7 ва 18 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 7 майдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 4 май кuni соат 18:00; 18 майдаги савдолар учун 16 май кuni соат 18:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali»нинг ОАИКБ «Ипак йули банки» Сағбон филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, ИНН 200933850 ОКОНХ 83300 Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уй. Телефон: 233-20-96. www.rtm.uz

**Қашқадарё  
вилоят  
касаба уюшма  
ташкilotлари  
бирлашмаси**

*Мамлакатимиз аҳлини  
эътиборини ва эътиборини  
байрами — Наврўзи олам  
билан муборакбод этади!  
Озод ва обод дёримиз  
энда тараккият  
эбтаверсин!*

**Ромитан туман тиббиёт  
бирлашмаси маъмурияти ва  
касаба уюшма қўмитаси**



*Соҳа ходимларини, фидокорона меҳнати билан  
мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса  
қўшиб келаётган ватандошларимизни бахт ва  
шодлик айёми — Наврўз байрами  
билан муборакбод этади!  
Наврўз элимиз дастурхонига  
доимо файз бағишласин!*

**«Қизилқумцемент»  
ОАЖ касаба уюшма қўмитаси**



*Халқимизни файзу тароват  
ила ташриф буюрган  
Наврўз айёми билан чин  
юракдан табриклайди.  
Ҳар бир оилани бахту саодат,  
меҳр-оқибат тарқ этмасин.  
Жонажон ватанимиз таровати,  
миллатимиз осойишталигига  
кўз тегмасин.*

**«Бухоронептгазпармалаш»  
очиқ акциядорлик жамияти  
маъмурияти ва касаба  
уюшма қўмитаси**

Мамлакатимиз ер ости бойликларини қазиб чиқаришда алоҳида матонат кўрсатаётган соҳа ходимларини, биз билан ҳамкорликда ишлаётган жамоалар аъзоларини, юртимизда истиқомат қилаётган кекса-ю ёшни уйғониш айёми — Наврўзи олам билан чин дилдан табриклайди.

Келажаги буюк давлатимиз тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган қалби қайноқ, меҳри дарё инсонларга мустаҳкам соғлиқ, хуш кайфият, узоқ умр, хонадонларига файзу барака тилайди!

Байрам муборак, азиз юртдошлар!

**Ёқилғи-энергетика комплекси,  
кимё саноати ва геология  
ходимлари касаба уюшмаси  
Тошкент вилоят кенгаши**

*Юртимиз аҳлини  
Наврўзи олам билан самимий  
муборакбод этади!  
Баҳор байрами барчамизнинг  
хонадонимизга кўм-барака,  
тинчлик-хотиржамлик  
олиб келсин!  
Жонажон Ватанимизнинг  
равнақи йўлидаги шижоатли  
меҳнатларинизга уқан  
муваффақиятлар ёр  
бўлишини тилаймиз!*

### Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши

*Ўзбекистон халқини, соҳа  
ходимларини янги ланиш ва яшарини  
айёми – Наврўзи олам билан  
самимий қутлайди!  
Мустаҳкам оила йилида  
хонадонингизга фойз-барака,  
тинчлик-хотиржамлик тилайди.*

**Баркамол авлодни тарбиялашдек серқирра  
фаолиятингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!**

**«Respublika milk markazi» ЁАЖ  
бошланғич баҳоси босқичма-  
босқич ошиб бориш тартибида  
ўтказиладиган очик аукцион  
савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «SIFAT» Ўзбекистон пахта толасини сертифицилаштириш марказининг 03.01.2012 йилдаги 2-П-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар Маннон Уйғур кўчаси, Қизил-Шарқ Берк кўчаси 109-уйда сакланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Дамас» русумли, давлат рақами 10 АУ 805 бўлган, 2004 йил и/ч таъмирталаб автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 724 504 сўм. 2. «Дамас» русумли, давлат рақами 10 АУ 806 бўлган, 2004 йил и/ч таъмирталаб автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 390 144 сўм. 3. «Дамас» русумли, давлат рақами 10 АУ 807 бўлган, 2004 йил и/ч таъмирталаб автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 660 604 сўм. 4. «Дамас» русумли, давлат рақами 10 АН 784 бўлган, 2003 йил и/ч таъмирталаб автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 579 358 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 25 апрел куни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 23 апрел куни соат 18:00.

Юқоридagi автотранспорт воситалари 2012 йил 25 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 2 ва 7 май кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 2 майдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 30 апрел куни соат 18:00; 7 майдаги савдолар учун 4 май куни соат 18:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини «Respublika milk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел: 228-79-52.

**Ҳақбердиев Бобобек Абдура-  
суловичга тегишли Тошкент  
шаҳар Учтепа туман 24-даха  
22-уй 28-хонадоннинг кадастр  
ҳужжатлари ва уй олди-сотди  
шартномаси йўқолганлиги са-  
бабли бекор қилинади.**

# «Муборакнефтьгаз»

## унитар шўъба корхонаси жамоаси

Соҳа ходимлари, биз билан  
ҳамкорликда ишлаётган жамоалар,  
барча юртдошларимизни  
**НАВРЎЗ БАЙРАМИ**  
билан табриклайди.

Фидойи халқимизга соғлик-саломатлик,  
хонадонларига қут-барака,  
масъулиятли ишларида омад ёр  
бўлишини тилаб қоламиз!



Зулфияхоним қизлари



**З**улфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилдаги совриндорлари орасида хоразмлик Дилрабо Маткаримова ҳам бор. У Урганч туманидаги 36-умумтаълим мактабида ўқиган кезларидаёқ ўзининг ҳар томонлама қобилияти, билимдон, зукко эканлигини намойиш қилиб, ўқитувчилари назарига тушди. Кўплаб танлов, фан олимпиадалари

# «Толеи баланд юрт фарзандиман»

голиби бўлди. 2006 йилдан буён Россиянинг «Рус филологияси ва мультимедия маркази» томонидан ташкил этилган халқаро миқёсдаги мактаб ўқувчиларининг очик сиртки олимпиадасида фаол иштирок этиб келмоқда.

Дилрабонинг шеъриятга меҳри бўлача. Унинг ижодидан Ватан, она, дўстлик мавзулари кенг ўрин олган. Ёш ижодкор бетакор ташбехлар, ўхшатишлар орқали фикрини изохлашга ҳаракат қилади.

— «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали минглаб болалар қатори менга ҳам ўз иқтидоримни рўйбга чиқаришимда кўмакдош бўлди, — дейди Дилрабо.

У уч карра ушбу фестивалнинг вилоят босқичида голиб чиқди. 2007 йилда эса «Нафосат» ёш каламкашлар республика кўрик-танловида фахрли ўринни эгаллади. «Элхонинг»

илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан уюштирилган «Эл фарзанди» стипендияси учун танловда биология фани бўйича вилоят босқичи голиби бўлди. Шу йилги республика «Камалак» болалар анжуманида фаол иштирок этди. «Иқтидорли ўқувчи — 2007», «Маҳалламиз тарихини ўрганамиз», «Меҳр-мурватли кишилар» тadbирларида, «Дўст билан обод ўйинг», «Ўзбекистон — Ватаниманим» танловларида мувоффақият қозонди. «Энг яхши китобхон», «Сеҳрли ёғду», «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси» каби кўплаб танловларда ҳам Дилрабонинг истеъдоди ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Ижод намуналари эса туман, вилоят, республика газети ва журналларида чоп этилиб, муштарийлар томонидан илиқ қаршиланди.

Чиндан-да Дилрабонинг иқтидори серқирра. У яратган ажойиб сценарийлар асосида кўплаб байрам тadbирлари уюштирилганлиги, айна пайтда К. Хоразмий номли мусиқа мактабининг фортепиано бўлимида ҳам тахсил олиши, ди-зайнерлик билан шуғулланиши, шашкани яхши ўйнаши фикримиз исботидир. Бунга унинг «Болалар фольклор дасталари» республика танловида «Энг ижодкор сценарий муаллифи» номинациясига сазовор бўлганлигини қўшимча қилиш мумкин.

Д. Маткаримова жамоат ишларида ҳам фаол. Урганч туман ўқувчилар ижодиёт маркази қошидаги «Баркамол авлод» тўғраги раҳбари сифатида болажонлар иқтидорини тарбиялашга ҳисса қўшмоқда. У республика ёшларининг «Болалар ва сув» экофестивали голиби, Рес-

публика болалар жамғармаси «Бола ҳуқуқлари парламенти»нинг Хоразм вилояти Урганч тумани ёш депутати ҳамдир.

2010 йили умумтаълим мактабини муваффақиятли тамомлаган Д. Маткаримова Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейга ўқишга кирди. Бу ерда ўзининг илмий салоҳиятини ҳам намойиш қилишга муваффақ бўлди. «Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг инсонпарварлик гоялари» мавзuida илмий ишига адабиётшунос олимлар юқори баҳо беришди.

— Илм даргоҳида бизга ўз касбининг усталари бўлган фидойи устозлар сабоқ беришади, — дейди Дилрабо. — Ушбу мукофотни қўлга киритишимда устозларим — филология фанлари номзоди Мадина Матқубова, фалсафа

фанлари номзоди Мақсуда Ҳожиёвнинг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, «Тумарис издошлари» журналисти аёллар клуби раҳбари Шарқия Эшжоновдан жуда миннатдорман.

Дилрабонинг «Тумарис издошлари» журналисти аёллар клуби қошидаги «Маҳорат мактаби»да ўн тўрт ёшдан буён фаол иштирок этиб келади.

— Шундай толеи баланд юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилрабо Маткаримова. — Биз ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар қадрига етишимиз, бор куч-гайратимизни ишга солиб, ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшимиз лозим.

Дилрабонинг қалби орзуларга лиммо-лим. У келажақда ўқитувчи бўлиш ниятида.

М. Тўрабоева



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'liqin TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43  
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68;  
Buxoro + 99893 653 50 81;  
Jizzax + 99872 360 00 10;  
Navoiy + 99894 226 28 84;  
Namangan + 99897 491 79 28;  
Samarqand + 99866 708 70 12;  
Surxondaryo + 99897 458 05 07;  
Farg'ona + 99873 221 93 19;  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;  
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail: ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

T. Sernayev

Navbatchi:

U. Ibodinov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abduljalilov

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning shanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda mabta sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Muallif fikr ta'biriyot nuqtai nazaridan farg'anchi mumkin.

h - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Boshqaruv topshirish vaqti - 21.00  
Topshirildi - 21.10

Buyurtma G — 311

23549 nusxada bosildi

1 2 3 4 5

## КАСАБА УЮШМА СПОРТИ



Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси, Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Мустаҳкам оила йили ҳамда Наврўз байрами муносабати билан 2-Тошкент тиббиёт академияси спорт мажмуасида соҳа ходимлари (эркаклар) ўртасида шахмат мусобақаси ташкил этди.

## Дўхтирлар дона сурди

Йигирма беш ёшдан катта эллик нафар ходим иштирок этган беллашуларда голиблик Республика онкология илмий маркази ходими Юсуфжон Еқубовга насиб этди. Кейинги ўринларни Чилонзор ва Олмазор туманлари тиббиёт коллежлари ходимлари Махсум Махаматхонов ҳамда Вячеслав Мороз эгаллашди.

Тошкент тиббиёт академияси вакили Каримулла Саъдуллаев ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ходими Нодир Муҳамедов «Ёши энг улғу иштирокчи», Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ходими Шерзод Абдуллаев, шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг яна бир ходими Маъруф Зокиров «Энг ёш шахматчи» номинацияси эгаларига айланишди.

Адхам АРСЛОНОВ,  
«Ishonch» мухбири.  
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

## Майдонда — аёллар

Наманган тиббиёт коллежи спорт залида вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши томонидан Мустаҳкам оила йили ҳамда Наврўз байрамга бағишлаб тизимда меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўртасида спартакиада ўтказилди. Мусобақада иштирокчилар спортнинг тўрт тури бўйича ўзаро куч синашишди.

Дартс бўйича агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши мутахассиси Жамила Нозимова голиб чиққан бўлса, транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши вакили Фотима Аҳмадхонова иккинчи, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши шарафини ҳимоя қилган Холида Курбонова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Армрестлинг бўйича ўтган беллашулар ҳам қизгин кечди. Юрагидаги шижрат билагига кўчган аёлларнинг ўзаро куч синашиши кўпчилиكنинг диққатини тортди. Мусобақада таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси вакили Дилрабо Муродова мутоқ голиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларга давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши ходими Чинора Орезметова ҳамда алоқа ходимлари касабаси уюшмаси вилоят бирлашган кўмитаси вакили Умида Назарова ҳақли равишда эгаллик қилди.

Енгил атлетика мусобақаларида вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси Феруза Эрматова 1-, соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши ходими Мамлакат Атабаева 2-, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси вакили Нозима Ғиёсова 3-ўринни қўлга киритишди.

Дилдора РАҲМОНОВА,  
«Ishonch» мухбири

## «Оҳангароншифер» очик турдаги акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти

Корхона ишчи-хизматчиларини,

барга юртдошларимизни

Наврўз байрами билан тик  
дундан туборакбод этади.

Хонадонингизга кўт-баракка,

ошлангизга сизгайт-

саломатлик тилайди.

Залбингизни баҳорий кайфият

асло тарк этмасин!

## ҚОРОВУЛБОЗОР «ЎЗНЕФТГАЗҚУДУҚТАЪМИРАЛШ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Наврўз байрами билан соҳа  
ишчи-ходимларини, ўзбекистонлик  
барча миллат вакилларини  
муборакбод этади!

Улкан бунёдкорлик ишларини амалга  
ошираётган фидойи халқимизга  
бахту иқбол, мустаҳкам соғлиқ,  
оилавий тотувлик, нурли  
истиқбол тилаб қолади.